

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Қожагелдиев Абатбай

Сиёсий фанлар доктори (DSc), Қорақалпоқ давлат университети

Аннотация: Бугун дунёда кечаеткан глобаллашув, модернизация ва интеграция жараёнлари сиёсий тнститутларни бошқаришда очиклик, ошкоролик инсон ҳукукларини таъминлаш, мавжуд ижтимоий муаммоларни конунлар доирасида хал этилишини тартибга айлантирмоқда. Сиёсий институтлар узини узи химоя қилиш ва мустахкамлашда демократизм ва конституционализм тамойилларига мувофиқ фаолият юритишга утиши инсоният тараккиётининг хозирги босқичига хос талабдир.

Демократизм халк хокимиятини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида халк оммаси катнашишига эришиши, узини узи бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари ва фуқоралик жамияти институтларининг ваколат ҳамда ҳукукларини кенгайтиришни англатувчи тамойилдир. Республикамиз президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга такдим этилган мурожотномасида “Президент қабулхоналарининг икки йиллик иши тажрибаси шуни курсатдики, биз яқин утмишда халқдан, унинг ташвиши ва муаммоларидан анча узоклашиб қолган эканмиз. Биз фуқаролар билдирган фикр мулоқоз ва таклифларни инобатқа олиб давлат бошқарув тизимини ислох қилишимиз, илгор давлат менеджменти ва “Ақлли” бошқарув принципларига босқичма босқич утишимиз лозим”, дейилган. (Ўзбекистон республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси 2 халқ сузи, 2018 йил 29 декабр). Мохиятан бу демократизм тамойилининг узини, унинг харакатлар стратегиясидаги биринчи устувор йуналишлари мувофиқлиги ифодасидир, Мазкур харакатлар стратегиясининг биринчи устувор вазифаси давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришни уз ичига олади. Унда “сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият хаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар уртасида соғлом рақобат мухитини шакллантириш”, давлат бошқарувини марказлаштиришдан чиқариш, “давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини ислох қилиш” вазифа қилиб қуйилган. Давлат бошқаруви тизимининг очиклигини таъминлаш, халқ билан мулоқотни урнатиш, идоралардаги беғоналашувни, коғозбозлик, таъмагирлик ва коррупцияни йук қилиш максатида Президент виртуал ва Халқ қабулхоналари, Бош вазир ва вазирликларнинг қабулхоналари, очик телефонлари ва веб-сайтлари ташкил этилди. Шу кунгача Президент виртуал ва Халқ қабулхоналарига 2,5 миллиондан зиёд мурожатлар ва таклифлар қелиб тушганининг узини халқимизнинг сиёсий институтлар фаолиятини демократлаштиришдан канчалик манфаатдор экани курсатади.

Кейинги икки йил ичида сиёсий институлар фаолиятини демократизм тамойилигига мувофиқ тубдан такоммиллаштиришга қаратилган 60 дан зиёд Президент Фармонлари, Қарорлари ва концепциялар қабул қилинди “Ўзбекистон Республикаси Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тугрисида” (2017йил 8 сентябр), “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тугрисида” (2018йил 17 август), “Норма ижодкорлиги фаолиятини такоммиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тугрисида” (2018йил 8 август), “Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такоммиллаштириш чора-тадбирларни тугрисида” (2017йил 8 февраль), “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан узгартириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тугрисида” (2017йил 10 апрель) каби ҳужжатлар улар жумласиндадир. Улардан қурсатилган вазифаларга мувофиқ янги бошқарув институлари, вазирликлар ташкил этилди, улар 22га етказилди. Вазирликлар сони Францияда 16та, Норвегияда 15та, Нидерландияда 12та, Швецарияда 7тадир (қаранг: Халқ сузи, 2018, 14 сентябрь). Энг муҳими мазкур бошқарув институтларининг мамлакатимизда демократизм тамойилини қарор топтириш, илоралар хизматини халқ манфаатларига йуналтириш, инновацион ривожланишни таъминлашга уз хиссасини қушишдадир.

Демократизм шунчаки инкор, декларатив даъват эмас, у халқ, кишлоқларнинг реал ҳаётига, аҳоли фаровонлигига, ҳар бир шахсни демократик ислохотларнинг фаол субъектларига айлантиришдадир. Демократияни ҳимоя қилган чет эллик олимлар К.Поппер, Ф.Хайек, Р.Даль, Т.Парсонс, М.Ротбардт, Ж.С.Милль, Ф.Шмиттер, А.Эсмен, А.де Чаквиль, Р.Дарендорф унинг дойрасини суз эркинлиги, сайловларда қатнашиш, виждон эркинлиги, таълим олиш ва ижод қилиш ҳуқуқи, истаган жойда истикомат қилиш, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотлари ташкил этиш, иктисодий фаоллик, тадбиркорликгача кенгайтирилди. Бугун Демократия илк этимологик маъносидан кенг, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид комплекс жараёнлар ифодаси сифатида талқин қилинмоқда. Демократизм эса ушбу жараёнларни реал воқеаликка айлантириш механизми сифатида келади.

Конституционализм жамият ва давлат бошқарувини, сиёсий институлар фаолиятини миллий ва халқаро ҳуқуқ тизими талабларига мувофиқ олиб борилишини ифода этадиган тамойилдир. Унда мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ва ташкилий ҳуқуқий ҳаётнинг асосларини белгилаб берувчи Асосий қонун – Конституцияга амал қилишга эътибор қаратилади. Давлат ва жамият бошқарувини амалга оширувчи сиёсий институтлар, барча субъектлар Конституция талабларига сузсиз итоат этади, ундаги нормаларни ҳаёт тарзи сифатида қабул қилади. Оддий фуқародан то давлат раҳбаригача Конституцияга мувофиқ фаолият юритади, ундаги ҳуқуқий меъёрларнинг “мутлоқ ҳақлигини этироф этади, тасдиқлайди. Бу аслида шахснинг уз ҳуқуқини ва эркинликларини билиши, уз фаолияти, хатти-харакати, сузи учун

масъулликни уз зиммасига олиши белгиси хисобланади. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси конституцияси қабул қилинганининг 26 йилигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида тақидлайди: Барчамиз бир нарсани тушуниб олишимиз керак: Яхши яшаш учун энг аввало яхши меҳнат қилиш, ҳуқуқ ва эркинлик билан бирга, жавобгарлик ва масъулиятни ҳам чуқур ҳис қилишимиз зарур, бунга эришиш эса, фақат ва фақат узимизга боғлиқ ” (халқ сузи, 2018йил, 18 декабр).

Конституционализм барча ҳуқуқий нормаларни, мѐрларини ягона ҳуқуқий сиѐсат негизида ишлаб чиқилиши, қабул қилиниши ва ҳаѐтга жорий этилишини таъминлайди. Мамлакатда қабул қилинадиган қонунлар, қонун ости ҳужжатлари, мѐрлар конституцияга зид қилиши мумкин эмас. Агар шундай қонун, ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, улар конституциявий суд орқали ман этилади, миллий ҳуқуқ тизимидан чиқарилади, улар асосида ташкил этилган сиѐсий институлар, бошқарув идораларни фаолияти тухтатилади ѐки қайта ташкил этилади . Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ бўлиб, давлат халқнинг иродасини, жумладан, сиѐсий иродасини белгилайди, унинг сиѐсий ва бошқа манфаатларига хизмат қилади. Асосий Қонуннинг 19-моддасида <<Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан узаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қуйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир>>, - деб қайд этилган. <<Фуқаролар уз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт>>(20-модда). Ушбу конституциявий норма ва талаблар фуқароларнинг сиѐсий ҳуқуқларига ҳам бевосита дахлдор бўлиб, эндиликда бу ҳуқуқлар инсон ҳаѐти, эрки, шаъни ва кадр-қиммати ҳамда бошқа ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари қаби муқаддас саналиб, улар давлат томонидан қафолатланади. Бугун дунѐ узғариб бормокда, турмуш тарзи шиддат билан ривожланмокда. Ана шундай бир шароитда мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, давлат ва жамиятни узаро мувозанатда ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, одамларни бугунги қун билан рози қилиш, улар манфаатларини руѐбга чиқариш йулида қатта қадамлар қуйилмокда.

Конституционализм билан демократизм узаро диалектик боғлиқ. Демократизмсиз конституционализм инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қафолатловчи тамойил бўлолмайди, ва аксинча конституционализм демократизм қарор топмайди. Улардан уйғун фойдаланиш эса миллий ҳуқуқий тизим ва давлат, жамият бошқарувини самарали, сиѐсий институтлар фаолиятини очик, халқпарвар қилади.

Фойдаланилган адабиѐтлар:

1. Kojageldiev, A. U. (2021). The Significance of Social and Political Institutions in the Formation of the Principles of Democracy and Constitutionalism. *Journal of Central Asian Social Studies*, 2(01), 190-200.
2. Xojageldiev, A. (2023). YANGI O 'ZBEKISTONDA FUQAROLIK JAMIYATI INSTITUTLARI SHAKLLANISHINING SIYOSIY-HUQUQIY ASOSLARI. *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры*, 3(12), 152-156.
3. Khojageldiev, A. U. (2023). THE IMPORTANCE OF POLITICAL INSTITUTIONS IN THE CONSTRUCTION OF CIVIL SOCIETY. *Journal of Social Sciences and Humanities Research Fundamentals*, 3(08), 21-24.
4. Khozhageldiev, A. (2023). MODERNIZATION IS AN IMMANENT PROPERTY OF POLITICAL INSTITUTIONS. *International Journal Of History And Political Sciences*, 3(06), 41-47.
5. Кожагелдиев, А. У., & Узакбаев, Ю. А. (2022). ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ҲАЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ДЕМОКРАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Экономика и социум*, (2-2 (93)), 697-700.
6. Kojageldiyev, A. U., & Uzakbayev, Y. A. (2021). DEMOKRATIZM TAMOYILLARINING SIYOSIY INSTITUTLAR FAOLIYATIDA SUB'EKTIV VA OB'EKTIV MUNOSABATLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 776-787.
7. Kojageldiyev, A. U., & Uzakbayev, Y. A. (2021). SIYOSIY MADANIYAT VA QORAQALPOG 'ISTON SIYOSIY INSTITUTLARI RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 632-643.
8. Кожагелдиев, А. У. (2021). Конституционализм как принцип организации социально-политического бытия: опыт Республики Каракалпакстан. In *В поисках социальной истины* (pp. 219-221).
9. Kojageldiev, A. (2020). Constitutionalism as the basic principle of democratization and modernization of the socio-political system of the Republic of Uzbekistan and the republic of Karakalpakstan. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 29(5), 1619-1625.
10. Кожагелдиев, А. (2012). РОЛЬ СРЕДСТВА МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ В ДЕМОКРАТИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА. *ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА*, 17(3-4), 61-66.
11. Кожагелдиев, А. У. (1996). История города Турткуля 1873-1941 г.
12. Комекбаевич, Оразбаев Арысланбай; ,ИССЛЕДОВАНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ РЕАЛЬНОСТИ В КОНТЕКСТЕ ПАРАДИГМЫ СОЦИАЛЬНОГО КОНСТРУКТИВИЗМА, *Universum: общественные науки* : электрон. научн. журн, 82,3,19-22,2022, <http://7universum.com/ru/social/archive/category/382>

13. Orazbaev Arislan Komekbaevich, Niyazimbetov Marat Kudiyarovich; ,Modern Paradigmal Approaches In Modelling Complex Systems,International Journal of Future Generation Communication and Networking,13,4,2771–2778,2020,
14. Arislan, Orazbaev; ,THE PARADISM OF CONSTRUCTIVISM AS A METHODOLOGICAL STRATEGY FOR THE STUDY OF SOCIAL REALITY,Science and Education in Karakalpakstan,,4,159-161,2021,
15. Арыслан, Оразбаев; ,ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БАРПО ЭТИШДА ИЖТИМОЙ ИМКОНИЯТ ВА ИЖТИМОЙ ВОҚЕАЛИК ДИАЛЕКТИКАСИ,ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САММИТИ,,572-574,,2022,
16. Komekbaevich, Orazbaev Arislanbay; ,Research Journal of Humanities and Social Sciences,Research Journal of Humanities and Social Sciences,1,2,11-13,2022,Embar Publisher
17. ORAZBAYEV, Arislanbay; ,Ijtimoiy reallik tushunchasining mazmun va mohiyati: ijtimoiy-falsafiy tahlil,Tamaddun nuri,37,4,53-56,2022,“MAX-PRISTIL” MChJ
18. PARADIGMALARI, IJTIMOY REALLIKNING ZAMONAVIY; ,IJTIMOIY REALLIKNING ZAMONAVIY PARADIGMALARI,,,,,2023,
19. Orazbaev, A.K.; ,DIGITAL PARADIGM OF SOCIAL REALITY,"MODERN PROBLEMS OF SCIENCE, SOCIETY AND EDUCATION",,15,141-144,2022,
20. A.K., Orazbaev; ,The Paradism of Constructivism as a Methodological strategy for the Study of social Reality..,Science and Education in Karakalpakstan,19,4,154-159,2021,Karakalpak state university
21. Komelbayevich, Orazbayev Arislanbay; ,Ijtimoiy reallik tushunchasining mazmuni va mohiyati: ijtimoiy-falsafiy tahlil,Tamaddun Nuri,36,4,53-54,2022,